



ЎСМИР ЁШЛИ БОЛАЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН ТАЙЁРЛАШДА ОНА ШАХСИНING ТАЪСИРИ

Юнусова Гўзал Султоновна

Фарғона давлат университети Психология кафедраси доценти
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7947392>

ARTICLE INFO

Received: 08th May 2023

Accepted: 17th May 2023

Online: 18th May 2023

KEY WORDS

Семинар-тренинг,
ижтимоий таъсир,
маънавият,
ўсмирлар, оналар, миллий
қадриятлар, ҳаётини
қадриятлар, оилавий ҳаёт.

ABSTRACT

Оилада фарзандларга бериладиган дастлабки маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий тушунчалар, ижтимоий тасаввур ва малакалар аввало ота-оналарнинг саводхонлик даражасига бевосита боғлиқдир. Айниқса, болалар онгига маънавият, мафкура, ахлоқ, тиббий маданият, ҳуқуқий тушунчаларни сингдириш ота-оналардан ўзига хос билим ва кўникмани талаб этади. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, оналар билан ташкил этилган семинар-тренинг давомида биз уларга кичик сўровнома тарқатдик ва уларнинг умуман оилавий ҳаёт ва унга тайёрлик тўғрисидаги тасаввурларини мониторинг қилдик.

Кириш. Халқимиз миллий қадриятларни, алломаларимиз бизга мерос қилиб қолдирган ноёб ўғитларни эъзозлайдиган халқ. Шу боис биз ёшлар ва уларнинг оналари онгига ва хулқига таъсир кўрсатишда Шарқ алломаларининг маънавий меросидан фойдаланишни амалий дастуримизга киритдик.

Оилада фарзандларга бериладиган дастлабки маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий тушунчалар, ижтимоий тасаввур ва малакалар аввало ота-оналарнинг саводхонлик даражасига бевосита боғлиқдир. Айниқса, болалар онгига маънавият, мафкура, ахлоқ, тиббий маданият, ҳуқуқий тушунчаларни сингдириш ота-оналардан ўзига хос билим ва кўникмани талаб этади. Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат, амалдаги қонунларга ҳурмат ва уларга онгли равишда амал қилишни тарбиялаб боришларида ҳам ота-оналарнинг ўзида муайян билим ва кўникмалар бўлиши лозим

Шунингдек, ўзбек миллатига хос бўлган миллий урф-одатлар, анъана ва қадриятларни тўлақонли англай олишлари, уларни бугунги давр талаби билан уйғунлашган ҳолда оила тарбиясида фарзандларга асл моҳияти ва маъносини етказа билишлари ва онгига сингдира олишлари зарур.

Материаллар ва методлар. Биз тадқиқотнинг амалий дастури доирасида эмпирик изланишларимизда иштирок этган респондентларнинг хоҳловчиларидан иборат гуруҳ ташкил этдик ва танланган гуруҳларда амалиётчи психологлар билан ҳамкорликда махсус машғулотлар ташкил этиб, оналар билан Шарқ алломаларининг



маънавий мероси, унинг аҳамияти, алломалар асарларида келтирилган алоҳида фикр ва келтирилган мисоллар, ривоятларнинг моҳияти хусусида фикрлашдик. Эркин мулоҳазалар билдириш имконияти яратилиб, ҳар бир тингловчидан слайдларда келтирилган фикрларни ўз ҳаёти мисолида қандай тушуниши, уларнинг ҳозирги давр учун ҳам мос келиши тўғрисида фикр алмашинувлар бўлиб ўтди. Кўпроқ гуруҳ аъзоларининг фикрлари тингланиб, фикрлар лидерига айланган гуруҳ аъзоларидан айримлари тренингларни олиб борувчисига ҳам айлантирилди. Ҳар бир машғулотга ҳар сафар 2-2,5 соат вақт кетди ва ҳафтанинг шанба кунлари оналар билан учрашувлар 4 ҳафта мобайнида ташкил этилди. Дастлабки машғулотда гуруҳ аъзоларига маънавий меросимиз бўлмиш алломалар фикрларидан иборат тарқатма материал берилиб, уларни уйда ҳам такрорлаш, мазмун-моҳиятига етиш вазифаси берилди.

Оналар билан ташкил этилган семинар-тренинг давомида биз уларга кичик сўровнома тарқатдик ва уларнинг умуман оилавий ҳаёт ва унга тайёрлик тўғрисидаги тасаввурларини мониторинг қилдик. Яъни, тадқиқотда ёш оналарга ўзимиз тузган ижтимоий-психологик сўровнома ҳамда Ғ. Шоумаровларнинг “Оилавий ҳаётга маънавий тайёрлик” тести икки маротаба – тренинг бошида ва тренингдан сўнг тўлдириш учун берилди. Мониторинг натижалари қуйидагича.

“Янги турмуш қурган пайтингизда сиз ўзингизни оила қуришга тайёр деб ўйлаганмисиз?” деб берган саволимизга тадқиқот сўнгида ҳам деярли бир хил жавоб олинди, рақамлар ўртасида аҳамиятли фарқ бўлмади. Лекин машғулотлар сўнгида “Сизнингча, оилавий ҳаётга тайёрлик нима?” деган саволга берилган жавобларда муайян фарқлар ажратилди (жадвалга қаранг 1).

Жадвал 1.

Респондентларнинг “Сизнингча, оилавий ҳаётга тайёрлик нима?” деб берилган саволга тажриба сўнгидаги жавоблари (фоиизларда, тажрибагача, тажрибадан сўнг)

“Сизнингча, оилавий ҳаётга тайёрлик нима?”	Оналар гуруҳи			Ўртача кўрсаткич n=102 % ҳисобида
	1-5 йиллик тажриба n=36	5-10 йил n=33	10 йилдан ортиқ n=33	
Жавоб вариантлари				
1. Уй-рўзғор ишларини бошқаришни билиш	25 / 36,1	33,3/ 36,4	18,2/ 24,2	25,5 / 32,4
2. Муомала маданияти, кўникувчанлик	33,3 / 36,1	39,3 / 30,3	54,6/ 30,3	41,6 / 32,6
3. Янги оила аъзолари билан тил топиша билиш	41,6 / 280	27,2/ 33,3	30,3/ 45,5	34,5 / 39,0

Тренинггача ва тренингдан кейинги тажриба натижалари шуни кўрсатдики, турли оилавий ҳаёти стажига эга бўлган аёлларнинг машғулотлар давомида олган билимлари уларнинг фикрлари ва муносабатларида муайян ўзгаришларга сабаб бўлди. Бу бевосита оилавий ҳаётга тайёрлик тушунчасига алоқадор бўлиб, кўриб турганимиздек, оналар тажриба якунида оила қурувчи инсон уй-рўзғор ишларини



бошқаришни эплаши (25,5 / **32,4**) ҳамда фарзанд тарбиялаш мобайнида энг аввало оила аъзолари билан тил топишиб кетишга тайёр бўлиши лозимлигини англаб етганлар, масалан, охирги фазилат умуман жамланганда 34,5 фоиздан 39,0 фоизга ортганлигини кўрсатса, алоҳида гуруҳлар кесимида 5- ва 10 йилдан ортиқ яшаганлар тасаввурларида сезиларли ўзгаришларни кўриш мумкин. Айниқса, фарзандлари мустақил ҳаёт бўсағасида турган оналарнинг фикрлари аҳамиятли ўзгарган (30,3 фоиздан 45,5 фоизгача ўсиш).

Бундай аҳамиятли ўзгаришлар анкетанинг 6, 7, 11 саволларига берилган жавобларда ҳам кўринди. Илгари ҳар бир тренинг иштирокчиси ўртача 4-5 та асар ёки аллома исмини қайд қила олган бўлса, машғулотлар сўнгида, ўзлари фаол тарзда дарсларда ва фикр алмашинувларда иштирок этгач, улар сони ҳам ўртача 10-13 тагача ошди. Улар рўйхатида энди Шарқнинг машҳур алломаларидан ташқари Юсуф Товаслий, Абу Ҳомид Ғаззолий, Девоний, Авлоний, замонавий адиб Тохир Малик каби ўнлаб алломалар, маърифатпарварлар номлари пайдо бўлиб, улар ҳақида тасаввурга эга эканликлари, айримларини билишлари ва бундан кейин ҳам ўқиб бориш истаги шаклланди. Бу уларнинг “Шарқ мутафаккирларининг оила ва оилавий тарбия хусусидаги қарашлари тўғрисида маълумотга эгамисиз?” деган саволга берган жавобларининг қиёсий таҳлилида ҳам яққол намоён бўлди.

Жадвал 2.

“Шарқ мутафаккирларининг оила ва оилавий тарбия хусусидаги қарашлари тўғрисида маълумотга эгамисиз?” саволига олинган жавобларнинг қиёсий натижалари (рақамлар фоизда, машғулотларгача ва ундан сўнг)

“Шарқ мутафаккирларининг оила ва оилавий тарбия хусусидаги қарашлари тўғрисида маълумотга эгамисиз?”	Оналар гуруҳи <i>Оилавий ҳаёти стажи бўйича</i>			Ўртача кўрсаткич n=102
	1-5 йил n=36	5-10 йил n=33	10 йилдан ортиқ n=33	
Жавоб вариантлари				
1. Ҳа	25,0/55,5	51,5/66,6	54,5/75,7	46,0 / 66,7
2. Йўқ	38,8/2,7	21,2/9,0	3,0/0	31,52 / 7,42
3. Қисман эшитганман	36,1/41,6	27,2/24,2	42,4/24,2	36,3 / 32,6

Натижалар. Биз юқорида таъкидлаганимиздек, тадқиқотда иштирок этган оналарнинг оилавий ҳаётга маънавий жиҳатдан тайёрлигини ҳам такрор мониторинг қилдик. Қуйидаги жадвалда тажрибага ва тажрибадан кейинги ҳолат акс этган (жадвал 3).

Жадвал 3.

Ўсмир ёшли фарзанди бор оналарнинг дастлабки ҳамда якуний текширувларда оилавий ҳаётга маънавий тайёрлигининг қиёсий таҳлили (фоиз ҳисобида, рақамларнинг биринчи сатри – тажрибагача; иккинчиси – тажрибадан сўнги балл, Ғ. Шоумаров тести бўйича)



Даража	Оналар гуруҳи (стажга кўра)			Ўртача кўрсаткич
	1-5 йил (n=36)	5-10 йил (n=33)	10 йилдан ортиқ (n=33)	
Юқори: 55 балл ва ундан юқори	25.1 41,6	33.3 66,6	45.4 81,8	36.4 67,15
Ўрта: 40 - 55 бал орасида	36.1 38,8	36.3 21,2	30.4 12,1	34.2 29,6
Паст: 40 балдан кам	38.8 19,6	30.4 12,2	24.2 6,1	32.5 15,2
	100	100	100	100

Юқоридаги қиёсий таҳлил ҳам биз ўтказган тажрибанинг муайян самара берганлигини кўрсатмоқда. Агар тажриба бошида оналарнинг маънавий жиҳатдан оилавий ҳаётга тайёрлиги тўғрисидаги тасаввурлари даражаси умуман қониқарли бўлган бўлса (юқори ва ўрта даражалар миқдори деярли тенг – 36 фоиздан зиёд), тажрибадан сўнг бу рақамларда ўзгариш рўй берди. Яъни, энди оналар тест саволларига жавоб берар эканлар, актуал тажрибани инobatга олиб, ўқиганлари ва эшитганлари таъсирида жавоб беришда анча реал, фаол ва онгли позицияда турдилар. Шу боис юқори даражадаги тайёрлик кўрсаткичи деярли икки баробар ошди, яъни, 36,4 рақами 67,15 рақамига етди. Бу кўрсаткич айниқса, 10 йил ва ундан зиёд вақт оилада яшаган, ўсмир фарзандида оила тўғрисидаги тасаввурлар муайян шаклланиб бўлган онада яққол кўринди, тажриба бошида ҳар икки онадан биттаси оилага тайёрликка маънан масъулияти борлигини кўрсатган бўлса, тажриба якунидаги жавобларга кўра, бу кўрсаткич салкам 82 фоизга етди. Бу биз экспериментдан кутган энг муҳим натижадир. Бундай ижобий силжишлар ёш онанинг ижтимоий тасаввурларида ҳам намоён бўлди.

Хулоса. Шундай қилиб, биз ўтказган эмпирик тадқиқот диссертациямизнинг асосий фарази, ўсмирлик ёшидаги йигит-қизларнинг ҳаётий қадриятлар, ижтимоий мўлжаллар, истиқбол тўғрисидаги тасаввурлари тўлиқ оиладан бўлган йигит-қизларникидан фарқ қилиши мумкин, лекин бунда бевосита она шахсининг таъсирчан роли бўлиши мумкинлиги ҳамда ёшлардаги оила-никоҳга алоқадор ижтимоий тасаввурларни мақсадли шакллантириш, улардаги никоҳга маънавий жиҳатдан тайёрлик мезонлари тўғрисида аниқ билимларга эга бўлишларида Шарқ алломаларининг меросидан ўринли фойдаланиш улар тасаввурлари мазмунинигина бойитиб қолмай, балки уларнинг никоҳ установакаларига боғлиқ ижтимоий хулқини ҳам белгилаши мумкинлигини тасдиқлади.

Ўтказилган эмпирик изланиш ҳамда амалий тадбирлар биз илгари сурган илмий фаразларимиз ўз исботини топганлигини кўрсатди. Жумладан, ўзбекистонлик ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда, оиланинг таъсирини, ота-она ибратини инкор этмаган ҳолда миллий-маданий меросимиз, жумладан, Шарқ алломаларининг маънавий меросларидан ўз вақтида ва ўринли фойдаланиш ёшлар дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди.



References:

1. Каримова В.М. Баркамол авлод тарбиячиси сифатида ота-она масъулиятини ошириш – давр талаби // “Малака ошириш тизими – баркамол шахсни шакллантиришда оила ва узлуксиз таълим тизими ҳамкорлигини таъминловчи ҳамда таълим сифатини оширувчи ижтимоий институт сифатида” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари.-Т., 2012 – 15-19 б.
2. Шоумаров Ғ.Б., Соғинов Н.А. Эр-хотин орасидаги низоларнинг этнопсихологик хусусиятлари. //Ўзбек оиласининг этнопсихологик хусусият-лари. Илмий ишлар тўплами. –Т., 1993. – Б. 11-25.
3. Шоумаров Ғ.Б., Соғинов Н.А. ва бошқалар. Оналарга психолог маслаҳати. – Т., 2002. – 17 б.
4. Юнусова Гузаль Султановна, Исроилов Абдоржон Ахатжон угли //ИЗУЧЕНИЕ ПРОБЛЕМЫ СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ В ИССЛЕДОВАНИЯХ УЗБЕКСКИХ УЧЕНЫХ// Образование и инновационные исследования 2022 год. № 5. 284-287 стр.
5. G.S.Yunusova //THE OUTCOMES OF A STUDY PREPARING BOYS AND GIRLS AT YOUNG AGE FOR FAMILY LIFE IN CONDITION OF UZBEKISTAN// The Way of Science. 2021. № 6 (88). 84-87
6. Yunusova G. S. //THE OUTCOMES OF A STUDY PREPARING BOYS AND GIRLS AT YOUNG AGE FOR FAMILY LIFE IN CONDITION OF UZBEKISTAN// The Way of Science. 2014. С. 84.
7. Юнусова Гузал Султоновна, Турдиматова Елноза Эркинжоновна //РОЛЬ СЕМЬИ В ПРОЯВЛЕНИИ АГРЕССИВНОГО ПОВЕДЕНИЯ У ПОДРОСТКОВ// Образование и инновационные исследования. 2022 год № 11. 378-381 стр.
8. Юнусова Гузаль Султановна. //Развитие воображения молодежи и подростков, воспитывающихся в благополучных и неблагополучных семьях// Theoretical & Applied Science. № 6 (2).2013. 91-94
9. Юнусова Гузаль //Особенности взаимоотношений родителей с детьми-подростками в полных и неполных семьях// Молодой ученый. 2015. № 13 (93). С. 757-760.
10. Yunusova Guzal Sultanovna //THE INFLUENCE OF THE MOTHER'S PERSONALITY IN RAISING THE SPIRITUAL CONSCIOUSNESS OF ADOLESCENTS// American Journal of Interdisciplinary Research and Development. Jun 9, 2022. 5, 111-115.
11. Yunusova Guzal Sultanovna //PSYCHOLOGICAL MECHANISMS OF CRIME PREVENTION AMONG TEENAGERS (FAMILY ASPECT)// American Journal of Interdisciplinary Research and Development, Oct 22, 2022. 9, 266-273.
12. Гўзал Султоновна Юнусова, Исроилов Абдоржон Ахатжон ўғли //ЎЗБЕКИСТОНЛИК ОЛИМЛАРНИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР МУАММОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ// Таълим ва инновацион тадқиқотлар. 2022 йил № 5. 284-287
13. Г.С.Юнусова //ВЛИЯНИЕ ВНУТРИСЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ НА ГОТОВНОСТЬ К СОЦИАЛЬНОЙ ЖИЗНИ ДЕТЕЙ// The Way of Science. 2018. № 2 (48). 77-79
14. Г.С.Юнусова //РЕЗУЛЬТАТЫ ИССЛЕДОВАНИЯ МОТИВАЦИИ ПО ОТНОШЕНИЮ К ПОДДЕРЖКЕ И ОДОБРЕНИЮ У ДЕТЕЙ ПОДРОСТКОВОГО И ЮНОШЕСКОГО ВОЗРАСТА, ВОСПИТЫВАЮЩИХСЯ В ПОЛНЫХ И НЕПОЛНЫХ СЕМЬЯХ// Социальные науки и общественное здоровье: теоретические подходы, эмпирические исследования,



практические решения: материалы III международной научно-практической конференции 20-21 апреля 2013 года. Прага. 83-87.

15. Ahmadjonov Nurmuhammad //DEVELOP STUDENTS' THINKING SKILLS IN THE LEARNING PROCESSBASICS// *ResearchJet Journal of Analysis and Inventions*. Volume 2, Issue 1, Jan, 2021. 15-21 pages.

16. Ahmadjonov Nurmuhammad, Sobirjonova Masturabonu //8-9 YOSHDAGI BOLALARDA GEOMETRIK MATERIALLARNI O'RGANISH ORQALI AQLIY OPERATSIYALARNI SHAKLLANTIRISH// 3rd International Multidisciplinary Scientific Conference on Ingenious Global Thoughts Hosted from Kuala Lumpur, Malaysia May 31. [Vol. 25 No. 1 \(2021\)](#). 182-188.

17. Ahmadjonov Nurmuhammad Nabijon o'g'li //PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THE FATHER'S RELATIONSHIP IN PERSONS WITHDIFFERENT DEGREE OF DEPENDENCE// "PEDAGOGS" international research journal. Volume-24, Issue-3, Decembe. 2022. 124-127 pages.

18. Ahmadjonov Nurmuhammad Nabijon o'g'li //KICHIK MAKTAB YOSHDAGI O'QUVCHILARDA TAFAKKUR HAQIDAGI NAZARIY QARASHLAR// IJODKOR O'QITUVCHI JURNALI. 5 MAY/ 2023 YIL/ 29 – SON. 232-238 betlar.

19. Ahmadjonov Nurmuhammad Nabijon o'g'li //KICHIK MAKTAB YOSHDAGI O'QUVCHILARNING TAFAKKUR OPERATSIYALARI RIVOJLANISHINI NAZARIY JIHATDAN O'RGANILISHI// IJODKOR O'QITUVCHI JURNALI. 5 MAY/ 2023 YIL. 29 – SON. 239-246 betlar.

20. Ahmadjonov Nurmuhammad Nabijon o'g'li //KICHIK MAKTAB YOSHDAGI O'QUVCHILARDA TAFAKKUR JARAYONLARINING XUSUSIYATLARI VA RIVOJLANISHI// SO'NGI ILMIY TADQIQOTLAR NAZARIYASI RESPUBLIKA ILMIY-USLUBIY JURNALI. 9-SON. 13.04.2023. 420-426 betlar.

21. Ahmadjonov Nurmuhammad Nabijon o'g'li //PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THE FATHER'S RELATIONSHIP IN PERSONS WITHDIFFERENT DEGREE OF DEPENDENCE// "PEDAGOGS" international research journal. Volume-24, Issue-3, Decembe. 2022. 124-127 pages.

22. Ahmadjanov Nurmuhammad //FEATURES OF COGNITIVE PROCESSES SUCH AS PERCEPTION, MEMORY, THINKING IN STUDENTS OF JUNIOR SCHOOL AGE// Международный научный журнал «Новости образования: исследование в XXI веке». № 10 (100), часть 2. май, 2023. 383-389 стр.

23. Ahmadjonov Nurmuhammad Nabijon o'g'li //KICHIK MAKTAB YOSHDAGI O'QUVCHILARDA IDROK, XOTIRA, XAYOL KABI BILISH JARAYONLARINING XUSUSIYATLARI VA RIVOJLANISHI// Международный научный журнал «Новости образования: исследование в XXI веке». № 10 (100), часть 2. май, 2023. 390-395 стр.

24. Ahmadjonov Nurmuhammad Nabijon o'g'li // KICHIK MAKTAB DAVRIDA TAFAKKUR RIVOJLANISHI DARAJASINI EKSPERIMENTAL O'RGANISHNING PSIXOLOGIK TAVSIFI// Международный научный журнал «Новости образования: исследование в XXI веке». № 10 (100), часть 2. май, 2023. 396-401 стр.

25. A.R.Abdullayeva //THE SOCIAL AND PSYCHOLOGICAL INFLUENCE OF THE FAMILY ON THE FORMATION OF A HEALTHY LIFESTYLE// *International Journal of Education, Social Science & Humanities*. FARS Publishers. Volume-11. Issue3. 2023. 670-674 pages.



26. А.Абдуллаева, Н.Тошболтаева //ОИЛА ВА НИКОҲ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР// INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION International scientific-online conference. 23 rd January, 2023. – Canada, Ottawa. 136-140 pages.
27. Абдуллаева А. //ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ФАКТОРЛАРНИ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ// МУАЛЛИМ ЖУРНАЛИ. 11 ЖИЛД. 2022 ЙИЛ.
28. Абдуллаева А.Р. //ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ В СИСТЕМЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО И МУНИЦИПАЛЬНОГО УПРАВЛЕНИЯ// Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 6. – С. 26-29.
29. Ahmadjonov Nurmuhammad Nabijon o'g'li //КИЧИК МАКТАБ YOSHIDAGI O'QUVCHILARDA ТАФАККУР ОПЕРАТСИЯЛАРИ RIVOJLANISHINING IJTIMOYIY-PSIXOLOGIK OMILLARGA BOG'LIQLIGI// FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS INTERDISCIPLINARY SCIENCES: a collection scientific works of the International scientific conference. 13 May 2023. Part 19. 312-319 pages.
30. М.Т.Исакова //ОИЛА МУНИТИ РУHIЙ САЛОМАТЛИКНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА// ПСИХОЛОГИЯ ИЛМИЙ АХБОРОТНОМА. 2021-йил, 2-сон. 127-134 бетлар.
31. Isakova Muazam Tulkinovna //THE RESULTS OF THE EMPIRICAL TRANSFER OF SOCIO-PSYCHOLOGICAL FACTORS AFFECTING THE MENTAL HEALTH OF THE INDIVIDUAL// ELECTRONIC JOURNAL OF ACTUAL PROBLEMS OF MODERN SCIENCE, EDUCATION AND TRAINING. JUNE, 2021-XI. ISSN 2181-9750. 4-15 pages.
32. Muazzam Isakova Tulqinovna //FAMILY AS A FACTOR IN MENTAL HEALTH// ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Vol. 10, Issue 7, July 2020. 200-210 pages.
33. Isakova Muazzam To'lqinovna //Additional Learning is as a Factor of Mental Health// International Journal of Psychosocial Rehabilitation. Vol. 24, Issue 05, 2020. 7330-7335 pages.
34. Исакова М.Т. //ГЕНДЕРНЫЕ РАЗЛИЧИЯ ВЕДУЩИХ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ МЕЖДУ ОТНОШЕНИЕМ К ЗДОРОВЬЮ И ИНДИВИДУАЛЬНО-ДИНАМИЧЕСКИМИ ХАРАКТЕРИСТИКАМИ// ВЕСТНИК ИНТЕГРАТИВНОЙ ПСИХОЛОГИИ. 2021, Выпуск 23. 144-149 стр.
35. М.Т.Исакова //SOCIO-PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF A PERSON'S ATTITUDE TO HIS MENTAL HEALTH// Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). Vol 10, Issue 4, April, 2021. 29-36 pages.
36. Muazzam Tulkinovna Isakova //Socio-Psychological Factors Are The Effect Of person's Mental Health// European Journal of Molecular & Clinical Medicine. Volume 07, Issue 03, 2020. 4699-4718 pages.